

Сутдор такаларни синовга қўйиш
И.Я.Эшматов–қ.х.ф.н. “Қўйчилик ва эчкичилик” бўлими мудир,
Ш.И.Эшматова–докторант
Чорвачилик ва паррандачилик илмий–тадқиқот институти¹
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
битехнологиялар университети²

Аннотация. Мақолада заанен зотли эчкилар сурувларидаги линиялар ва оилаларни танлаш ва уларнинг наслдорлигини баҳолаш бўйича синовларни ўтказиш тартиби ҳақида фикр билдирилган.

Калим сўзлар: селекция, соф зот, танлаш, ўсиш, ривожланиш, маҳсулдорлик, тирик вазн, озиқлантириш, озуқа бирлиги, баҳолаш.

Abstract. The article provides an opinion on the selection of lines and families in the Zaanen goat herds and the procedure for carrying out tests on their breeding.

Key words: breeding, pure breed, selection, growth, development, productivity, live weight, feeding, feed unit, evaluation.

Кириш. Сутдор эчкичилик селекциясида хориждан келтирилган насли такалар ва она эчкилардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг авлодлари бош сонини асраб қолиш ва жадал кўпайтириш учун сутдор эчкичиликда соф зотли урчитиш усулини қўллаш билан бирга, зот ичидаги линияларни ажратишда танлаш усуллари қўллаш ва улар наслдорлигини баҳолаш синовларини ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Заанен зотли такалар, она эчкилар, ёш улоқчалар. Зоотехния усулида танлаш, сутдор эчкиларни сут маҳсулдорлигини баҳолаш.

Тадқиқот натижалари. Сурув эчкиларидан такаларни зот ичида танлаш, парваришlash, наслдорлигини барвақт аниқлаш, насл сифати баҳоланиб аниқланган такалардан селекция ишларида максимал фойдаланиш даражасини орттириш селекция ишининг асосий меъзони ҳисобланади.

Саралашдан олинган соф зотли такачаларни хусусий маҳсулдорлиги бўйича жуда тез етилиш хусусиятларини ўрганиш, уларни 12 ойлигида қочиришда синаб кўриш имконини беради. Такалар 18 ойлигида ва икки ёшида улардан наслдор така сифатида фойдаланилади.

Такаларни синовга қўйишда асосий сурувдаги она эчкилардан элита ва I класс билан баҳоланганлари танлаб олинади ва маҳсулдорлиги юқори ҳисобланган эчкилар бир-бирлари билан сараланади.

Ёш такача ва урғочи улоқчалар бонитировка давомида баҳоланади.

Бир бош наслдор така билан қочириш мавсумида табиий усулда 50-60 бош ёки сунъий усулда 100-120 бош она эчки уруғлантирилади.

Такаларнинг авлодлари 4,5-5 ойлигида баҳоланади. Такаларнинг авлодларини сифати бўйича баҳолашда 4 ва 5 балл билан энг кўп баҳоланган такачалар наслдор ҳисобланади.

Хўжаликда барча насли она эчкилар бўйича ҳисоб-китоби ҳужжатлари қайд этиш китобларида амалга оширилади.

Янги туғилган ҳар бир улоқ алоҳида махсус китобда қайд этилади. Унга улоқларнинг қулоғидаги тартиб рақамлари, туғилган пайтидаги, 4,5 - 5, 12 ва 18 ойлигидаги тирик вазни ҳамда бонитировка давомидаги баҳолаш кўрсаткичлари ёзиб борилади.

Наслчилик хўжаликларида соф зотли урчитишда сурув асосан элита ва 1-класс билан баҳоланган урғочи ва такачалардан тўлдирилади ва ҳисоб-китоби ҳужжатлари юритилади. Сурувдаги энг яхши кўрсаткичга эга насли она эчкилардан “насл ўзаги” белгиланади ҳамда саралаш режасига мувофиқ алоҳида ҳисоб-китоби ишлари амалга оширилади.

Сутдор эчкиларни индивидуал танлашда гомоген ва гетероген танлаш усулларидадан фойдаланилади, шунингдек саралаш усуллари қўлланилади.

Эчкиларни парваришlash учун керакли миқдордаги сифатли озуқалар тайёрланади, сутдор эчкичиликдаги асраш ва озиклантириш технология-ларига амал қилинади.

Танланаётган ёш улоқчаларда келиб чиқишидаги ота-она аждодларининг сут маҳсулдорлиги хусусиятлари албатта ҳисобга олинади.

Зот ичида урчитиш соф зотли эчкиларда амалга оширилади. Соф зотли эчкилар наслини такомиллаштиришда зот ичидаги така ва она эчкилар танланади ва улар авлодбоши сифатида линия ва оилаларда танлаш усуллари сутдор эчкиларга хос усулда қўлланилади.

Селекцияда асосий эътибор организми мустаҳкам, кучли, сермахсул, тана қисми яхши ривожланган ва сутдорлик белгиларининг сифати аъло даражада бўлган эчкиларга эътибор қаратилади ва парваришланади.

Селекция ишларида ирсий кўрсаткичлари юқори бўлган сутдор така ва эчкилар индивидуал сараланганда, уларнинг авлодларида маҳсулдорлик белгилари бўйича сифат кўрсаткичлари мустаҳкамланиб боради, шунингдек зотни такомиллаштиришда асосий селекция белгилари бўйича сифат кўрсаткичлари ортади.

Сутдор эчкиларни парваришlashда энг мақбул озиклантириш меъёри аниқланади ва озиклантиришда уларнинг биологик хусусиятлари ҳисобга олинади. Асосий ирсий белгиларни хўжалик учун фойдали белгиларини юзага чиқариш шароитлари яратилади.

Она эчкиларни танлашда туғиш жараёнида туғиши осон кечган эчкилар танланади ва ажратилади, улар билан исталган эчки подасидаги асосий селекция гуруҳларини тўлдириш ҳамда уларни маҳсулдорлик сифат кўрсаткичларига мувофиқ гуруҳларга ажратиш ҳамда ярқисиз топилган эчкиларни подадан чиқариш мумкин бўлади.

Сурувларни тўлдирувчи улоқлар онасидан 2-3 кунлигида танланади. Бу вақтда она эчкилар сут даври қисқартирилган усулда баҳоланади. Бунда уларнинг тирик вазни, тана тузилиши ва ундан олинadиган сут маҳсулоти ҳисобга олинади. Уларни парваришlash алоҳида гуруҳларда энг яхши ўтлоқларда ўтлатиб, концентрат озуқалар билан қўшимча озиклантирилади. Қиш даврида улоқлар тирик вазнини орттириш, тана тузилишини мустаҳкам ривожланишини таъминlashда қўшимча хашак ва кучли озуқалар билан озиклантирилади. Улоқларни насл гуруҳларига ажратишни баҳор мавсумида танлаб олингандан кейин (энг камида 1 класс баҳоси билан) сурувни тўлдириш учун танланади.

Кузда она эчкиларни қочириш олдидан такалар яна бир марта кўздан қечирилади, наслдорлик сифати бўйича текшириш учун танланади.

Такаларни авлодларининг сифати бўйича синовга қўйишда 1 класс она эчкилар танланади. Улоқларнинг насл сифати улар оналарининг сифат кўрсаткичлари билан таққосланади. Юқори маҳсулдор насли така билан она эчкиларни қочиришда бошқа классга мансуб она эчки танланади. Бундай баҳолash усули билан насли таканинг устунлигини ушбу зотнинг андозасида белгиланган маҳсулдорлиги таққосланади, шунингдек, турли классдаги эчкиларнинг самарадорлиги аниқланади. Бу тадбирнинг унумли бўлиши эчкиларни яхши боқиш ва асраш шароитида бирмунча аниқ намоён бўлади.

Ҳар бир текшириладиган насли такалардан олинган авлодлар тирик вазнининг ортиб бориши баҳоланади. Олинган авлодлар биринчи маратоба 4-5 ойлигида баҳоланади, улоқлар сони, насл сифатининг тавсифи, насли таканинг маҳсулдорлиги ва

ўхшашлик даражаси тақосланиб ўрганилади. Улоқларни якуний баҳолаш 12 ойлигида зотини ҳисобга олган ҳолда якка тартибда баҳоланади, ёш улоқларнинг туғилгандан бошлаб, бир йил давомида тирик қолган улоқлар сони бўйича амалга оширилади.

Наслли такалар авлодларининг сифати бўйича текширилгандан кейин она эчкилар гуруҳлаб танланади. Икки йил давомида аъло ва яхши баҳога эга бўлган она эчкилар ўз сифатларини авлодларига ўтказса, энг яхши деб ҳисобланади. Кетма-кет икки марта қониқарсиз насл берган она эчкилар селекция гуруҳидан бошқа ишлаб чиқариш гуруҳига ўтказилади.

Насллни вужудга келтириш олдидан авлод боши (линия)га маҳсулдорлик тавсифи, яхши насл бериши жиҳатидан унга яқин (ўхшаш) бўлган яхши авлод берувчи она эчкилар танланади. Авлод боши(линия)нинг белгилари ва хусусиятлари билан эчкиларни кейинги урчитишда ўзаро ўхшаш бўлган авлодлар олиш мақсадида урчитиш амалга оширилади.

Урчитишда авлодлар ўртасида янги насл яратиш, шунингдек, зотли такаларни келиб чиқиши ноаниқ она эчкилар билан жуфтлаштириш орқали янги пайдо бўладиган наслда исталган белги ва хусусиятларни аниқлаш имконияти вужудга келади.

Хулоса. 1. Заанен зотли такалар синовини ўтказишда сурувдаги она эчкилар баҳоланади, бонитировка даврида элита ва I класс билан баҳолан эчкилар танланади ва сут маҳсулдорлиги юқори ҳисобланган така ва она эчкиларнинг авлодлари сараланади.

2. Сутдор эчкичилик селекцияда заанен зотли такачалар 12 ойлигида қочириш даврида синовдан ўтказиш имкони бўлади ва такалардан 18 ва 24 ойлигида наслли така сифатида сурувларда фойдаланилади. Бир бош наслдор така билан қочириш мавсумида 50-60 бош она эчкилар табиий усулда қочирилади ёки сунъий усулда 100-120 бош она эчкилар уруғлантирилади.

3. Такалар авлодларини сифати бўйича баҳолашда 4 ва 5 балл билан энг кўп баҳоланган такачалар наслли ҳисобланади ҳамда икки йил давомида аъло ва яхши баҳолаш натижасига эга бўлган она эчкилар ўз насл сифатларини авлодларига ҳам ўтказган такалар яхши така деб ҳисобланади. Кетма-кет икки марта қониқарсиз насл берган она эчкилар селекция гуруҳидан бошқа ишлаб чиқариш гуруҳига ўтказилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кушнер Х.Ф. Наследственность сельскохозяйственных животных. М. 1964.
2. Кияткин П.Ф. Пути и методы выведения новой породы шерстных коз. Издательство “Ўзбекистан”, Ташкент. 1968
3. Кадырова Ч.Т. Генетические факторы, влияющие на биологические и хозяйственно-полезные признаки коз молочного направления Юга Кыргызстана. Автореф. дисс. к.с.х.н., Бишкек, 2013, с.11.
4. Исмаилов М.Ш. ва бошқ.. Сутдор эчкиларнинг селекцион гуруҳини шакллантириш тажрибалари. “Зооветеринария”.ж. 2017. №7., -39-40 б
5. Эшматов И.Я. Эчкиларнинг сермахсул гуруҳларини яратиш. “Зооветеринария”.ж. 2017. №3 - 33-34 б.
6. Memisi, N., Bauman, F., Stojanovic, S., Pavlov, B and Jovanovic, S. (2004). Production characteristics of domestic Balkan goats. Animal Genetic Resources information, №. 35: 87-94.